



ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ СОҲАЛАРИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 июнь куни инвестиция ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижадорлиги, йил якунигача амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт ва инфраструктурани ривожлантириш, долзарб лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида фаол инвестициявий сиёсат олиб борилмоқда. 2017 йилдан бошлаб барча манбалар ҳисобидан 716 триллион сўм (83 миллиард доллар) ёки олдинги даврга нисбатан 2 баравардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган. Шундан қарийб 27 миллиард долларини хориждан жалб қилинган маблағлар ташкил этади.

Ўзлаштирилган инвестицияларнинг деярли 65 фоизи саноат ва инфратузилма лойиҳаларига тўғри келади. Натижада, сўнгги 4 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибига саноатнинг улуши 25 фоиздан 33 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,3 бараварга ўсган.

Ушбу даврда 441 триллион сўмлик 47 мингдан зиёд йирик, ўрта ва кичик лойиҳалар ишга туширилиб, 680 мингдан ортиқ доимий янги иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, сўнгги 4 йилда маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 100 триллион сўм инвестиция йўналтирилган.

Йиғилишда инвестицияларнинг натижадорлиги чуқур таҳлил қилинди.

— Олиб келинган ҳар бир доллар ҳалқимизга, ҳудудлар ва тармоқларга ўзининг ижобий натижасини бериши керак. Агар туманларда вазият ўзгарганда эди, қанча иш ўрни, қанча экспорт бўлган бўларди. Инвестиция ва экспорт билан шуғулланмаган ҳокимларнинг келажаги йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Таҳлилларга қўра, ажратилган ҳар бир миллиард сўм эвазига Наманганда 12 та, Андижонда 11 та, Навоий ва Сирдарёда 8-9 тадан янги иш ўрни яратилган. Бу кўрсаткич Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда 6-7 та, Қашқадарё ва Фарғонада 5 тага тўғри келган. Қорақалпоғистон, Жиззах, Сурхондарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида эса атиги 3-4 тани ташкил этган.

Ёки яна бир таҳлил: Тошкент вилоятига сўнгги 4 йилда йўналтирилган 950 миллион доллар хорижий инвестиция ва банк кредитлари ҳисобига атиги 40 мингта янги иш ўрни яратилган. Яъни бир иш ўрни 24 минг долларга тўғри келмоқда. Ваҳоланки, Наманган вилоятида 2 баравар кам маблағ сарфланиб, 52 мингта иш ўрни очилган.

Шунингдек, 2 мингдан зиёд корхона паст қувватда ишлаётгани, айрим туманларда ишлаб чиқариш ҳажми камайгани қайд этиб ўтилди.

Президентимиз тармоқ ва ҳудуд раҳбарларининг асосий вазифаси инвестициявий фаолликни кучайтириш билан бирга, уларнинг самарадорлигини ошириш бўлиши кераклигини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда саноат бўйича ишга солинмаган имкониятларни аниқлаб, манзилли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Масалан, ҳамма жойда мебелларга талаб, уларни тайёрлашга шароит бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” қарори бу соҳа учун имкониятларни кенгайтди. Нукус, Андижон, Олтинқўл, Ромитан, Қарши, Қармана, Пастдарғом, Узун, Бағдод, Ўрта Чирчиқ ва Хонқа туманлари, Жиззах, Қарши, Наманган ва Янгийер шаҳарлари мебелсозликка мослаштирилди. Уларда мебелсозликка ихтисослашган кичик саноат зоналари ташкил этилиб, 200 миллион долларлик 450 та лойиҳа жойлаштирилади ва камида 7,5 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, юртимиздаги 5 мингдан зиёд мебелъ корхонасидан 1 минг 500 таси хонадонларда жойлашган. Энди уларни саноатлаштириш, маҳсулотларни ва иш ўринларини янада кўпайтириш мумкин.

Бундай ишларни чарм-пойабзал, электр техникаси, тўқимачилик, фармацевтика, заргарлик, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ҳам амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда чарм-пойабзал саноатида 202 миллион долларлик 112 та лойиҳа, электр техникаси тармоғида 140 миллион долларлик 45 та лойиҳа, фармацевтика йўналишида 146 миллион долларлик 36 та лойиҳани ўз вақтида ишга тушириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Охириги йилларда 11 мингта шундай корхона фаолияти тиклангани айтиб ўтилди.

Жумладан, собиқ “Андижон Маш” корхонаси негизда кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 24 та янги корхонада мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Тошкент шаҳридаги “Технопарк”, Фарғонадаги “Механика заводи” ҳам бунга мисол бўла олади.

Шу билан бирга, бугунги кунда бўш турган ва паст қувватларда ишлаётган яна 19 мингта объект бор. Мутасаддиларга уларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, электрон платформасини яратиш, тадбиркорлар билан учрашиб, лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам бериш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда умумий қиймати 6 миллиард 500 миллион долларлик 226 та йирик тармоқ ва ҳудудий лойиҳалар ишга туширилиши, 35 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши мўлжалланган. Йиғилишда уларнинг ижроси ҳам кўриб чиқилди. Муддатидан кечикаётган лойиҳалар кўрсатиб ўтилиб, уларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари белгиланди.

Давлат ташқи қарзи иштирокидаги лойиҳалар самарадорлигини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Тендерлар очик-ошкоралигини таъминлаш ва лойиҳаларни мақбуллаштириш орқали маблағларни иқтисод қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, тўғридан-тўғри инвестициялар иқтисодиёт ривожига жуда муҳим ўрин тутди. Жорий йилда 756 та лойиҳа доирасида 7 миллиард 700 миллион доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитларни ўзлаштириш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу маблағларни тармоқ лойиҳалари ва ҳудудий лойиҳаларга жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда экспорт бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш ҳолати ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш, бозор конъюнктураси туфайли юзага келган қоқоқликларни бошқа тармоқлар ва қўшимча маҳсулотлар экспорти ҳисобига қоплаш муҳимлиги қайд этилди.

Видеоселекторда Бош вазир ўринбосарлари, тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари сўнгги 4 йилда жалб қилинган инвестициялар самарадорлиги ҳамда келгусидаги истиқболли йўналишлар бўйича ахборот берди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УНИВЕРСИТЕТИ

КЕЛАЖАК КАСБЛАРИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БЎЛАДИ

**Ҳилола УМАРОВА,
Президент, ижод ва ихтисослаштирилган
мактабларни ривожлантириш
агентлиги директори**

Мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос олий таълим тизимини барпо этиш йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг кунги кеча эълон қилинган “Янги Ўзбекистон” университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бу борада қўйилган муҳим қадам бўлди.



Қарорда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, жаҳон меҳнат бозори, илм-фан ва технологиялар оламида рақобатбардош, замонавий билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштирган кадрлар тайёрлаш борасидаги вазифалар белгиланган. Шунингдек, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентли-

ги зиммасига ҳам муайян топшириқлар юкланган. Янги ташкил этиладиган университетда таълим жараёнини умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича бир қанча халқаро олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишладик. Хусусан, АҚШнинг Массачусетс технология

институту, Стенфорд университети, Буюк Британиянинг Кембриж университети, Германиянинг Мюнхен техника университети ва бошқа нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан музокара олиб борилди. Уларнинг тажрибаси ўрганилди.

▶ Давоми 2-бетда

АНЖУМАН

ҚЎҚОН — ТУРКИЙ КЕНГАШНИНГ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ



Қўқон шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатларнинг туризм масалалари бўйича вазирларининг VI йиғилиши бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

ҚАРОРГА ШАРҲ



МЕБЕЛСОЗЛИК САНОАТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бунда, айниқса, қурилаётган минглаб уй-жойларни алоҳида эътироф этиш зарур. Хонадонли бўлган ҳар бир фуқаро борки, уйини чиройли мебелъ билан тўлдиришни истайди. Шу боис, мебелсозлик саноати маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу талабни қондириш, мебелсоз тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш,

халқаро стандартларга жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош мебелъ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

▶ Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Афғонистондаги, жумладан, чегарадош шимолий вилоятлардаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини диққат билан кузатиб бормоқда.

Қўшни мамлакатда зўравонликнинг ортиси чуқур хавотир уйғотмоқда. Коронавирус пандемиясининг янги тўлқини шароитида кескинликнинг кучайиши афғон халқи ҳаётини янада мурраккаблаштирмоқда.

Ихтилофга алоқадор барча томонларни куч ишлатишдан тийилишга ҳамда тинч аҳолий қуроли гуруҳлар Шўртепа тумани ҳудудидан Ўзбекистонга ўтди.

Зарурий суриштирув ва тергов тадбирлари ўтказилганидан сўнг ушбу афғон фуқаролари ватанига қайтарилди.

Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний киришга қилинган ҳар қандай уришлар қатъий бартараф этилади, давлат чегарасини бузганларга эса энг кескин чоралар кўрилади.

Ўзбекистон томони Афғонистон билан анъанавий дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини асраш, бетарафликни сақлаш ҳамда қўшни мамлакат ички ишларига аралашмаслик тарафдори эканлигини қатъий маълум қилади.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”
УНИВЕРСИТЕТИКЕЛАЖАК КАСБЛАРИ
БЎЙИЧА ЕТАКЧИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ БЎЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Массачусетс технология институти янги инновациялар, янги ғоялар, ахборот технологиялари бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Шу институт билан шартнома имзолади. Унга кўра, “Янги Ўзбекистон” университети ўқув режаси ва дастурлари Массачусетс технология институти билан биргаликда ишлаб чиқиладди.

Мюнхен техника университети ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш билан бирга, таълим сифатини назорат қилишда ҳам бизга кўмаклашди. Янги университетга кириш имтиҳонлари ҳамкоримиз — Cambridge Assessment ташкилоти билан бирга ташкил этилади.

Янги олий ўқув юртини ташкил қилиш жараёнида биз ёш, лекин халқаро рейтингдан қисқа муддатда юқори ўрин олган университетлар билан музокара олиб бордик. Бунга мисол қилиб, Сингапур технология ва дизайн университети келтиришимиз мумкин. Мазкур олий ўқув юрти нуфузли университетлар қатори ўзининг таълим дастури билан ўртоқлашди. Ҳамкорларимиз ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, сарфланадиган лаборатория материаллари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, мультимедиа маҳсулотлари, ўқув ва илмий-методик адабиётлар билан таъминлашда ёрдам беради.

Айни пайтда халқаро экспертлар билан бирга мамлакатимиз учун келажак касбларини белгилаб олдик. Университетда жорий йилдан бошлаб муҳандислик, математика, физика йўналишлари бўйича табиий фанлар, бизнес-молиявий бошқарув факультетларини ташкил этишни режалаштирганмиз. Агротехнологиялар бўйича янги йўналишлар ташкил этиш режамизда бор. Зеро, аграр соҳа бўйича мамлакатимиз катта ресурсларга эга. Шу боис ҳам аграртехнология, шунингдек, агрофмхит муҳандислигини ўрганиш, информатика факультетларини ташкил этиш бўйича ишлаяпмиз.

Ҳозир барча соҳа тараққиётида ахборот технологиялари муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли мазкур йўналишда мутахассислар тайёрлаш мақсадида ахборот технологиялари факультетини очмоқчимиз.

Янги университетнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўзаро интеграция қилинади. Университетда тахсил оладиган талабаларни биринчи курсдан оқиб ишлаб чиқариш муассасаларига бириктириш кўзда тутилган. Улар биринчи курсдан илмий мақолалар ёзишни ўрганиш учун профессор устозларга бириктирилади.

“Янги Ўзбекистон” университети саноат билан боғлиқ ҳолда ҳам фаолият олиб боради. Айни пайтда нафақат юртимиздаги саноат корхоналари, балки бошқа давлатлардаги йирик корхоналар билан ҳам музокара олиб бормоқдамиз. У ерда 3-4-курсдаги талабаларимизнинг амалиёт ўташи кўзда тутилган.

Ушбу университет ўқитувчилари билан биргаликда ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини ошириш борасида ҳам бир қанча дастурлар устида ишлаяпмиз. “Янги Ўзбекистон” университетида ўқиш давлат тилида, шунингдек, инглиз тилида ҳам олиб борилади. Хорижлик мутахассислар, маҳаллий профессор-ўқитувчилар ўз соҳаси бўйича ёшларга чуқур билим бериш билан бирга, талабаларни халқаро касбий кўникмага ҳам йўналтириши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йили Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Президент, иқод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган. Бундан мақсад салоҳиятли, иқтидорли болаларни танлаб олиш, уларга жаҳон стандартлари даражасида билим бериш этиб белгиланган. Бу йил Президент мактабларини 96 нафар ўқувчи битирди. Улардан 88 нафар мuddатидан олдин, хориждаги рейтингли баланд университетларга ўқишга қабул қилинди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Янги Ўзбекистон” университетининг очилаётгани ана шу мактабда фарзандлари тахсил олаётган ота-оналар учун ҳам қувончли воқеа бўлди. Зеро, иқтидорли, илмга чанқоқ, ватанпарвар ёшлар янги университетда тахсил олиб, эртага юрт қорига ярайдиган етук мутахассис бўлиши шубҳасиз.

АНЖУМАН

ҚЎҚОН — ТУРКИЙ КЕНГАШНИНГ
ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ

Бошланиши 1-бетда

Тадбирда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий кенгаш) бош котиби Бағдод Амреев, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Ўзбекистондан туризм соҳасига масъуллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳақимов йиғилишда транспорт логистикасини ривожлантириш, маданий мерос объектларини асраш жамғармасини ташкил этиш, туркий давлатлар ягона маданий ва туризм тадбирлари тақвимиини тузиш, Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги қилган қадимги Ахсиқент қалъаси ҳудудида “Туркий овоз” кўшиқ ва куй фестивалини ташкил этиш юзасидан амалий тақлифлар билдирди.

Йиғилишда Ипак йўли равнақига муҳим ҳисса қўшган Қўқон шаҳри Туркий кенгашнинг илк туризм пойтахти деб эълон қилинди. Туркий кенгаш бош котиби Бағдод Амреев Қўқон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмоновга туризм пойтахтининг рамзий қалитини топширди.

— Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатларнинг туризм масалаларига масъул вазирларининг Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган VI йиғилиши учун айнан Қўқон



шаҳри танлангани бежиз эмас, — деди А. Абдуҳақимов. — Биринчидан, икки минг йиллик шонли тарихга эга бу шаҳар туркий дунёнинг маданият, санъат, илм-фан, адабиёт, дин, савдо-сотиқ, хунармандлик марказларидан бири саналади. Қўқон ҳудудида туркий халқларнинг турли уруғ ва қабилалари ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирган. Шаҳар илм-маърифат ўчоғи, XX аср бошларида туркий тилда сўзлашувчи миллатларни бирлаштириш йўлида тузилган Туркистон мухториятининг сиёсий маркази ҳамда жадидлар ҳаракати етакчилари фаолият юритган маскан ҳисобланади.

Қўқон XVIII-XIX асрларда йирик адабий марказ бўлиб, бу ерда 200 дан ортиқ ижодкор яшаб ўтган.

— Қўқонда ёғоч ўймакорлиги, қулоччилик, кандакорлик, меъморлик, ипакчилик сингари хунармандлик анъаналари ривожланган. Йиғилишда “Табаррук зиёрат”, “Замонавий Ипак йўли” ва “Ипак йўли — туризм пойтахти” лойиҳаларини амалга ошириш, йирик шаҳарлар ўртасида халқаро авиарейсларни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди, — дейди Қўқон шаҳри ҳокими Маъруфжон Усмонов. — Бу ички ва ташқи туризмни ривожлан-

тириш, ўзаро борди-келди, хунармандлик, маданий-маърифий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда ўзига хос имконият эшикларини очди.

— Туркий тилли давлатлар азалдан маданий-маърифий соҳаларда ҳамжиҳат бўлиб келган, мақсад ва қарашларимиз бир, — дейди Озарбайжон давлат туризм агентлиги раиси Фуат Нагиев. — Бугунги анжуман ана шу қардошлик ришталарини янги босқичга кўтариш имконини беради. Бунинг учун инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, янги туристик манзиллар ҳақида маълумотлар бериш, ўзаро ахборот айирбошлаш соҳаларини янада кучайтириш лозим. Қўқон шаҳарда бўлиб ўтган анжуман ҳар жиҳатдан фойдали амалларга бой бўлди. Ўзбекларга хос меҳмондўстлик, ҳурмат-эътибор, айниқса, қадим шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик, ободончиликларни кўриб завқландим. Қадим юртда ҳанузгача сақланиб келаётган маданий ёдгорликлар барчамизда катта қизиқиш уйғотди.

Қўқонда туризм тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ соҳалар жуда кўп ва ранг-баранг. Уларни тарғиб этиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашда Туркий кенгашнинг ўрни бекиёс.

Туркий кенгаш туризм масалалари вазирларининг VI йиғилишида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбир доирасида ўзбек санъати юлдузлари иштирокида катта концерт дастурлари намойиш этилди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

БИЗНЕС КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ МАСЛАҚДОШ

Феруза ЖЎРАЕВА,
журналист

Иқтисодий барқарор ривожланишнинг бош омилларидан бири — хотин-қизларнинг тадбиркорликдаги фаоллигидир. Уларни мазкур соҳага кенг жалб қилиб, бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг самарасини бермоқда.

Умида Тўраева Вобкент туманида яшайди. Ёшлигидан тикувчиликка ҳаваси баланд. Унинг оилавий ахволи бироз огир эди. Уч нафар фарзандни тарбиялаётган опа ҳунари ортидан даромад кўриш мақсадида Халқ банкнинг туман филиалига мурожаат қилди.

— 38 ёшдаман. Шу вақтгача тайинли даромадим йўқ эди. Замонавий тикув машинам бўлмагани учун доим ҳам буюртма ололмасдим. Авваллари кредит олиш деганда, ойлаб ташкилотлар эшигига сарсон бўлиш кўз ўнгимда гавдаланарди. Устига устак олган маблагимни қайтара оламани деган ҳавотир қийнади. “Аёллар дафтери”га киритилганимдан сўнг барчаси жуда тез ва осон ҳал бўлди.

Тикувчилик цехи ташкил қилган Умида опа чеварликка қизиқиши бор ишсиз аёлларнинг 6 нафарини иш билан таъминлади. Хизмат формаларини ишлаб

чиқараётган тадбиркорга ташкилотлардан тез-тез буюртма тушади. Шу боис ўзи ҳам яхши даромад кўриши баробарида ишчиларининг маошини тўлашга, банкка маблағларни қайтаришга қийналмайди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан мамлакатимизда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали улар бандлигини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Мана шу саъй-ҳаракатлар самарасида Умида Тўраева каби опа-сингилларимиз ўз бизнес фаолиятини йўлга қўймоқда.

— 1 июнь ҳолатига кўра, банкимиз томонидан 176 минг 358 миҳознинг 4 триллион 509 миллиард сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди, — дейди Халқ банкнинг аёллар тадбиркорли-

гини қўллаб-қувватлаш департаменти бошқарма бошлиғи Сирождидин Раҳмонов. — Республикаимизда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали улар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш масалаларига банкимиз масъул этиб белгиланган. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан унинг барча ҳудудий, туман (шаҳар) филиалларида раҳбарнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари штатлари жорий этилди. Ҳозир бу лавозимларга тайинланганлар жойларда ишбилармон опа-сингилларимизнинг энг яқин маслаҳатчисига айланмоқда. Мақсадимиз — эҳтиёжманд, муқим иш жойи ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш. Бу йўналишда саъй-ҳаракатлар натижасида қисқа муддатда қарийб 78 минг нафар аёлларнинг турмуш тарзи ижобий томонга ўзгариб, уларнинг моддий фаровонлиги оширилди.

Муассаса бу йўналишдаги ишни, аввало, ўрганишлардан бошлади. Натижада 8 минг 148 нафар аёлнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича зарур кўникмалари мавжудлиги аниқланди. Масаланинг яна бир муҳим тарафи

борки, соҳада бошланғич тасавури йўқ, молиявий саводхонлиги етарли бўлмаган опа-сингилларимиз ўз йўлини топиб кетишлари қийин. Айнан мана шу муаммага ечим топиш мақсадида банк Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ва бошқа қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ишларини олиб борапти. Албатта, тадбиркорлик борасида бошланғич тасавури йўқ аёлни ўз ишидан даромад кўрадиган бизнес вакили даражасига олиб чиқилаётгани қувонарли ҳол.

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати ва унинг натижаларидан халқимиз мамнун. Ислохотлардан қўзланган бош мақсад ҳам инсонлар фаровонлигини таъминлаб, уларни меҳнат қилишга ундаш баробарида турмуш шароитларини яхшилашдан иборат. Бугун мана шу интилишлар яқин бизнес кўмакчилар, ишончли маслаҳатдошлар ёрдамида ҳам самара бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ
ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Қарор билан 2021/2022 ўқув йили учун давлат буюртмаси параметрлари қуйидагича тасдиқланди.



Ўзбекистондаги хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАВЛАТ ГРАНТИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА – 500** НАФАР.



Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш жорий йилнинг 22 июнидан 22 июлига қадар (22 июль куни ҳам) амалга оширилади.



Шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кундузги

таълим шакли бўйича қўшимча **2 000** ТА ДАВЛАТ ГРАНТИ АСОСИДАГИ ҚАБУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ АЖРАТИЛАДИ.



Бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида педагогика йўналишлари бўйича Ургут тумани учун қўшимча

100 ТА ДАВЛАТ ГРАНТИ АСОСИДАГИ МАҚСАДЛИ ҚАБУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ АЖРАТИЛАДИ.



Абитуриентлар тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган **5 тагача бакалаврият таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиши мумкин.**



Қарорга кўра,



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИДА ТИББИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан соғлиқни сақлаш соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.



Бакалаврлар тайёрлаш бўйича:



кундузги таълим шаклига – **113 530** нафар;



сиртқи таълим шаклига – **37 675** нафар;



кечки таълим шаклига – **6 550** нафар;



магистрлар тайёрлаш бўйича – **12 900** нафар;

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Кундалик ҳаётимизни электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувисиз тасаввур эта олмаймиз. Биз ҳар куни фойдаланадиган бу манбалар иқтисодий тармоқлар фаолиятини ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади. Айниқса, электр энергияга эҳтиёж тобора ортиб борапти. Халқаро мутахассисларнинг фикрича, 2035 йилга бориб, дунёда мазкур энергияга бўлган талаб яна 35 фоизга ошиши кутилмоқда. Юртимизда ҳам худди шундай жараёнлар кузатиляпти. Бу, ўз навбатида, электр энергияси ишлаб чиқариш манбалари ҳажмини кўпайтириш, янгиларини барпо этишни тақозо этгани ҳолда, инновацион технологиялар ёрдамида уларни тежашга эътиборни кучайтиришни ҳам талаб этади.

Шу мақсадда, мамлакатимизда энергетика тизимини модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш, муқобил манбалардан кенг фойдаланиш борасида изчил ишловлар олиб боришмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни шу мақсадларга йўналтирилган.

2020 йилнинг 20 август кунини “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан пойтахтимизда фойдаланишга топширилган “Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази” бу борада ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. Марказда Жанубий Кореянинг “KT Corporation” компанияси ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида замонавий электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқарила бошланди. Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва

молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бугунги кунда республика электр энергиясини истеъмолчиларига электр энергиясини автоматлаштириш тизими (АСКУЭ) га мос ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари амалга ошириляпти. Дастур ёрдамида қайси тармоқ ёки ҳудудларда меъёрдан ортиқ йўқотишлар бўлаётганини аниқлаш орқали электр энергиясини узатишда тижорат йўқотишларга имкон қадар тўсиқ қўйилмоқда.



ТОННАЛАР МИСҚОЛДАН, ДАРОМАД ТИЙИНДАН ПАЙДО БЎЛАДИ

Диёрбек НИШОНОВ, Электр энергиясини автоматлаштириш маркази филиали директор ўринбосари:

— Электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини қанчалик оширмайлик, унинг сарфини тартибга солмас эканмиз, йилдан йилга ортиб бораётган талабни қондириш қийинлашиб бораверади. Масалан, бугунги кунда ҳар бир хонадонда биттадан телевизор, кир ювиш машинаси, чангютғич каби маиший техникалар бор. Уларнинг сонига қараб, электр энергия истеъмоли ҳам ошаверади. Ваҳоланки, ҳар бир оилада бир йилда ўртача 400 кВт/соатгача электр энергияни тежаш имконияти бор.

АСКУЭ тизими ана шундай йўқотишларнинг олдини олишга имкон беради. Бу автоматлаштирилган тизим бўлиб, инсон омили таъсирисиз ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд қилиш, қардорлик мавжуд бўлганда тармоқдан ажратиш, қардорлик бартараф этилгандан кейин қайта улашнинг замонавий механизми. Дунёда бу тизим кўплаб юртларда қисман жорий қилинган. Ҳатто айрим ривожланган давлатларда ҳали-ҳанузгача индукцион механик ҳисоблагичлардан фойдаланиб келинмоқда.

АСКУЭ тизимини жорий этишдан асосий мақсад истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги шаффоф-

лиқни таъминлаш, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларга аниқлик киритиш, истеъмолчиларнинг фойдаланган қувват учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш, уни тақсимлашда ҳар бир истеъмолчи ва трансформатор пункти кесимида керакли маълумотларни олиш ва таҳлил қилиб бориш, улар асосида модернизация ишларини амалга оширишдан иборат.

Автоматлаштирилган тизим кўплаб афзалликларга эга. Унга уланган электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш, аввало, фуқароларга қулайлик яратади. Аввалги ҳисоблагичларда санокли маълумотлар жамланган бўлса, тизимга уланган ҳисоблагичларда 40 тага яқин маълумотни кўриш имконияти мавжуд. Асосийси, тизимда барча жараёнлар автоматик тарзда амалга оширилиши ҳисобига фуқароларни ҳеч қим безовта қилмайди. Бу эса турли тамагирлик ҳолатларини камайтириш, дебитор қарздорлик ўсишига йўл қўймаслик, тармоқда тижорат зарарларини аниқлашга ҳамда камайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кун ҳолатига кўра, республика бўйича жами 7 миллион 104 мингдан ортиқ ҳисоблагич



ўрнатиб бўлинди. Режага асосан, жами 7 миллион 400 мингга яқин ҳисоблагич алмаштирилиши кераклиги ҳисобга олинса, бу қарийб 96 фоиз вазифа бажарилганини аниқлатади. Ушбу ўрнатилган ҳисоблагичларнинг қарийб 5 миллион 862 мингтадан ортиғи биллинг тизимига уланган.

Замонавий ҳисоблагичлар саноат корхоналарида ҳам ўрнатишмоқда. Албатта, ҳар бир корхона ўз эҳтиёжига асосан электр энергияси сарфини белгилайди. Мазкур тизим ўрнатилиш натижасида саноат корхоналарида электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш даражаси бир неча баробарга ортигани кузатилди.



ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

Жаҳондаги энг долзарб масалалардан бири ичимлик сув муаммоси ҳисобланади. Сув тикланувчи ресурс бўлса-да, дунёнинг кўпгина қисмида, жумладан, минтақамизда унга бўлган талаб ортиши баробарида, сув тақчиллиги ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Дунё экспертлари маълумотларига кўра, 2020 йилда сайёрада аҳолининг йиллик ўсиш кўрсаткичи 95 миллионни ташкил этиб, чуқук сувдан фойдаланиш ҳажми эса 17 каррага ортган. Яна бир маълумот, 2000 йилгача кам суви мавсум ҳар 6-8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охириги йилларда бу жараён ҳар 3-4 йилда такрорланмоқда.

Ачинарлиси, одамлар “Суви инсроф қилманг, ундан оқилона фойдаланинг”, деган билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Масалага пухта ўйланган, инновацион лойиҳалар орқали ечим топиш зарурлиги кундек равшан. Мамлакатимизда сўнгги йилларда ана шундай комплекс чора-тадбирларга фаол киришилган. Ичимлик сувини тежаш, сув йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида инновацион ечимлар устида амалий ишлар олиб бориляпти.

Зухриддин ЗАЙНИДДИНОВ, “Ўзсувтаъминот” АЖ департамент директори:

— Тоза ичимлик сув инсоният яшаши учун энг зарурий воситалардан бири саналади. Келажақда озиқ-овқат маҳсулотлари, тикланмайдиган табиий ресурслар ўрнини бошқа усуллар билан яратилган маҳсулотлар эгаллаши мумкин, аммо сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Шу боис, уни тўғри сарфлаш, тежаб фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Айни пайтда ичимлик сув сарфини бир неча баробар камайтиришга қаратилган бир қанча замонавий лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Хусусан, Исроилнинг “Maya International Infrastructure” ташкилоти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида 3 та инновацион лойиҳа ишга туширилди. Уларнинг биринчиси ичимлик сув таъминоти қувурларидаги ерости қўринмас носозликларини аниқлашда “сунъий йўлдош технологияси”дан фойдаланишга қаратилган. Масалан, Тошкент шаҳри

сунъий йўлдош орқали расмга олинб, ер остидаги сув қувурларидаги 940 та қўринмас носозлик зонаси аниқланди. Ушбу тажриба ҳозирча фақат пойтахтда синовдан ўтказилмоқда. Аниқланган носозликлар эса “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ ходимлари томонидан бартараф этилди. Шу билан ичимлик сувнинг ортиқча исроф бўлишига чек қўйилиб, 12,5 миллион куб метр ичимлик сувнинг ер остига сизиб кетиши олди олинди. Натижада 4,9 миллиард сўм маблағни тежаб қолишга эришилди.

Иккинчи инновацион лойиҳа — сув қувурларини ер қопламасини бузмасдан санация, яъни реабилитация қилишдан иборат. Бунда сув қувурининг ичига махсус материал қопламаси юборилиб, у янгиланади. Бугунги кунда ушбу технология Тошкент шаҳрида татбиқ қилинмоқда. Хусусан, ичимлик сув қувурларининг ички



ҳолатини аниқлаш учун Германиядан масофадан бошқариладиган “Shroder S-200” махсус робот-камераси келтирилди. Қурилма орқали 10 та манзилдаги сув қувурларининг ички ҳолати сканер қилиниб, тегишли ҳулосалар чиқарилади. Учинчиси, ичимлик сув ақли ҳисоб-

лагичларини (смарт-ҳисоблагичлар) амалиётга татбиқ этиш лойиҳасидир. Жараёнда намуна сифатида Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Қизил Шарк мавзесидagi 34 та кўп қаватли уй-жойнинг ер ости қисмига 64 та ақли ҳисоблагичлар ўрнатилди. Улардаги маълумотларни масофадан қабул қилладиган ва тегишли биллинг дастурига етказиб берадиган компьютер дастури яратилиб, қайдлар тест режимида таҳлил қилинмоқда.

Лойиҳа натижасида тўлиқ ўлчов ҳудуди (District Meter Area — DMA) яратилиб, унга жами қанча сув киргани, қанча истеъмол қилингани ва шу ҳудудда ҳақиқий сув йўқотилишининг аниқ ҳажмини библи имконияти яратилади. Мазкур лойиҳа ижобий самара берса, уни келгусида бошқа ҳудудларда ҳам қўллаш режалаштирилмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТОЗА ҲАВО ЗАРУР

Электр энергияни тежаш орқали экологик барқарорликка ҳам муносиб ҳисса қўйиш мумкин. Масалан, 1 кВт/соат электр ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага 0,6 килограмм кўмир чиқиндиси, 0,12 куб метр исгази чиқади. Демак, электр энергиядан оқи-

Азиз КАЛИМБЕТОВ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар микдорини камайтириш ва ўз навбатида, ҳаво сифатини яхшилаш мақсадида, биринчи навбатда, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши сезиларли экологик самара беради.

Мамлакатимизда металлургия, энергетик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, нефть-газ ва қончилик саноати корхоналари ҳамда автотранспорт воситалари ҳавонини ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади. Сўнгги 3 йилда республика бўйича атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддалар микдори ўртача 2,427 миллион тоннани ташкил этмоқда. Шундан 62 фоиз транспорт воситалари, 38 фоиз саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келяпти.

Автоуловлар экология учун доим зарарли ҳисобланган. Лекин бу инсон саломатлигига етказиладиган зарарни оқлаш учун баҳона бўла олмайди. Дунё олимлари бунга қарши курашга чоғланган бир вақтда, мамлакатимизда ҳам охириги йилларда сезиларли ишлар амалга ошириляпти. Республикада ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларининг экологик жиҳатдан фойдали жиҳатларини юқори даражаларга келтириш, улардан фойдаланишда қайта тикланувчи энергия турларини жорий этиш, хусусан, электр энергиясида ҳаракатланувчи автотранспорт воситаларининг ижобий тарафларини тарғиб этиш ва улар сонини кўпайтиришга эришиш, транспортдан фойдаланишда муқобил энергия турларига босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш, йўлларда велосипедда ҳаракатланиш тизимини фойдаланишга киритиш ва керакли инфра-тузилмалар, яъни велосипед йўлакчалари ва велотурароҳларни барпо этиш кабилар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда автотранспорт воситаларининг атмосферага чиқараётган ифлослантирувчи моддалар микдори кўпчилиги транспорт воситалари сонининг ошиб бориши, фойдаланилаётган ёқилғи тури ва йўл ҳаракатини ташкил этиш сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Автомобиллардан атмосферага ташланмайдиган ташламаларнинг мониторинги доирасида жорий йил баҳор мавсумида ўтказилган “Тоза ҳаво” ойлиги тадбирининг биринчи босқичида 120 мингдан ортиқ транспорт воситаси қуриқдан ўтказилганида, улардан қарийб 5 мингтаси стандарт талабларга жавоб бермаслиги аниқланди. Шундан 1,5 мингга яқини вақтинча тўхтатилиб, техник хизмат шохобчаларига юборилди, натижада бир кунда ўртача 80 тонна зарарли моддалар ташланишининг олди олинди.

лона фойдаланиш ҳисобига атроф-муҳит мусоффолигини сақлаган бўламиз.

Дунёда кечаётган иқлим ўзгаришлари самарали, ресурстежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодий таъминлашда етарлича муаммо ва эҳтиёжлар мавжудлигини

кўрсатмоқда. Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодийнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада ошириб, атроф-муҳитга салбий таъсир ҳамда иссиқхона газлари ажратмаларининг кўпайишига олиб келяпти. Бу борада ҳам ижобий натижаларга эришиш учун замонавий, иқтисодий самарадор технологияларга эҳтиёж юқори.



амалга оширилиши натижасида яқин келажақда атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини 10 фоизга камайтиришга эришиш мумкин бўлади.

Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга чиқарадиган зарарли моддаларини камайтириш борасида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан олиб борилаётган самарали ишларнинг ҳам улуғи юқори. Жамиятдан олинган маълумотларга кўра, ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида чора-тадбир режалари ишлаб чиқилган.

Белгиланган режа асосида “Максам-Чирчик” акциядорлик жамиятида карбамид чеҳи тозалаш иншоотининг инжекцион фарсуналарини таъмирлаш ишлари олиб борилиши ва аммиакли селитра цехидаги Х-29 тозалаш иншоотининг филтратларини алмаштириш натижасида атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар микдори 27 фоизга камайишига эришилди.

“Фаргонаазот” акциядорлик жамиятида суви қайта ишланнинг замонавий тизими жорий этилиши орқали эса йилга 450,2 минг тонна чуқук суви тежашга, қаттиқ чиқиндиларни 536,7 тонна камайтиришга эришилди. Бунинг натижасида полигонларда йилга 1341,7 тонна чиқинди тўпланишининг олди олинди.

“Навоийазот” акциядорлик жамиятида замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган аммиак, карбамид ва азот кислотаси ишлаб чиқариш учун янги қувватларни жорий этиш билан биргаликда, ҳозирги вақтда маънан эскирган аммиак ишлаб чиқариш цехи биринчи ва иккинчи навбати ва азот кислотаси ишлаб чиқариш цехи 1-навбати иш фаолияти тўхтатилди, йилга корхона ташланмалари 25 фоизга камайтирилди. Жумладан, углерод оксидини 46 фоизга, азот оксидларини эса 24 фоизга камайтиришга эришилди.

Сўнгги уч йилда ишлаб чиқариш объектларини реконструкция ва модернизация қилиш ҳисобига корхоналарда зарарли моддалар ташланмалари 2019 йилга нисбатан 16 фоизга камайди. Корхоналар эҳтиёжи учун ишлатиладиган сувнинг йиллик сарфи эса 513,9 минг тоннага қисқарди.

ҚАРОРГА ШАРҲ

МЕБЕЛСОЗЛИК САНОАТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМ



Бошланиши 1-бетда

Талаб ортгани сайин таклиф ҳам кўпайиб бориши бозор иқтисодиётининг асосий қоидаларидан бири. Демак, бугун мебель саноати соҳасини ҳам аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб кенгайтириш зарурати мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ана шу заруратдан келиб чиқиб қабул қилинди.

Айни пайтда мамлакатимизда мебель ишлаб чиқарувчи 5,5 мингта корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, корхоналар сони ўтган йилдагига нисбатан 118 фоиз, ходимлар сони эса 115 фоиз ошган. Тармоқ корхоналари томонидан ўтган йили 2,4 триллион сўмлик мебель ишлаб чиқарилган, 8,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Соҳа вакиллари билан учрашувлар чоғида ишлаб чиқариш майдонларининг чеклангани сабаб янги қувватларни ишга тушириш, модернизация қилишда муаммолар борлиги аниқланган. Ҳақиқатан, бугунги кунда республика бўйича бир минг 500 та аҳоли хонадонида мебель цехлари ташкил қилинган бўлиб, уларда 3,2 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Мисол учун, Хоразм

вилоятининг Хонқа туманидаги “Истиклол”, “Баркамоллик”, “Пахтагул” ва “Ватанпарвар” маҳаллаларида 100 дан зиёд фуқаро ўз хонадонларида мебель ишлаб чиқармоқда. Қарорга биноан, эндиликда ҳудудларда кичик саноат зоналари ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш майдонлари мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион орқали реализация қилиниши мебелсозларга қулай шароит яратишга хизмат қилади.

— 22 йилдан буён мебелсозлик билан шуғулланамиз, — дейди хоразмлик тадбиркор Отамурод Қурбонов. — Оиламиз билан мебель ясаймиз ва шу ернинг ўзига сотамиз. Оилавий корхонамизни кенгайтириш орзусида эдик. Ниҳоят орзуларимиз ушаладиган бўлди. Қарор асосида мебель ишлаб чиқариш учун ер майдони олишимиз ва қатор имтиёзлардан фойдаланишимиз мумкин. Давлатимиз раҳбарининг бу соҳага бераётган эътибори юртимизда мебелсозлик саноати ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлашга янада кенг йўл очади.

Экспортни қўллаб-қувватлаш ва хомашё билан таъминлаш масалалари ҳам соҳани ривожлантириш йўлидаги

муҳим масалалардан саналади. Қарорда бу борада бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, эндиликда экспортчи корхоналарга хомашё импорти ҳамда маҳсулот экспорти жараёнида транспорт харажатларининг муайян қисmini қоплаш, шунингдек, ишлаб чиқаришда зарур бўладиган 11 турдаги товар импортида божхона имтиёзлари кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, қарорга мувофиқ, мамлакатимизда азалдан мебелсозликка ихтисослашган 15 та туманда жами 115,4 гектар ер майдонида кичик саноат зоналари ташкил қилинади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу кичик саноат зоналарида 200 миллион долларлик 450 та лойиҳа жойлаштирилади ва 7,5 мингта янги иш ўрни яратилади.

— Қарорда 2023 йил 1 январга қадар мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилиши маҳсулот таннарихи камайтиришга олиб келади, — дейди мебелсоз тадбиркор Музаффар Муҳаммадзонов. — Таннарх тушгандан кейин ўзаро рақобат муҳити пайдо бўлади ва бу сифат кўрсаткичи ўсишига хизмат қилади. Шунингдек, мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга маҳсулотларини хорижга, шу жумладан, қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл ташими харажатларининг 50 фоизи, бироқ маҳсулот экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) автомобиль транспортида 5 фоиздан, темир йўл транспортида 7 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда имтиёзлар белгиланди.

Қарорга биноан, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан икки ой мuddатда “2021-2024 йилларда Ўзбекистонда мебель ва ёғочсозлик саноатини ривожлантириш дастури” лойиҳаси тайёрланиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

— Дастур ҳудудларда қурилаётган уй-жойларни маҳаллий мебель маҳсулотлари билан жиҳозлаш бўйича истеъмол кредитларини жорий этишдан тортиб, давлат ташкилотлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари мебель жиҳозларини янгилаш, хомашё сифатида фойдаланиладиган дарахт турларини етиштириш, хорижий компанияларни жалб этиш, хомашё ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш сингари муҳим вазифаларни қамраб олади, — дейди Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи Мирмуҳсин Султонов. — Дастурда, биринчи навбатда, саноатни ривожлантириш борасидаги зарур чора-тадбирлар ҳамда мебелсозлик кластерларини ташкил этиш бўйича йўналишлар белгиланади. Мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида алоҳида кредит линиялари ишлаб чиқиш ва хорижлик инвесторларни жалб этиш орқали республикада ишлаб чиқариш қувватларини ошириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, мебель саноатининг барча йўналишларида хомашё сифатида фойдаланиладиган дарахтлар плантациялари барпо этилади.

Ўзаро тажриба алмашиш, соҳадаги янгиликларни ўзлаштириш, янги ҳамкор ва харидорлар топишда кўргазма ва ярмаркаларнинг ўрни бекиёс. Ана шуни инобатга олган ҳолда, қарорда 2022 йил май ойидан бошлаб ҳар йили маҳаллий ва хорижий корхоналар вакиллари, салоҳиятли инвесторлар, экспертлар, тармоққа алоқадор бошқа мутахассислар иштирокида “Uzbek International Furniture Fair” халқаро мебель кўргазмасини ўтказиш белгиланди.

Қурилиб турибдики, соҳани ривожлантириш бўйича катта вазифалар белгиланб берилди. Лекин яна бир муҳим, таъбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи масала борки, бу соҳа учун кадрлар



етиштиришдир. Қарорда ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналари ташкил этиладиган 15 та туман ва шаҳардаги касб-хунар коллежларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда, мебелсозлик бўйича қисқа ва ўрта муддатли ўқув курслари ташкил қилинади. Шунингдек, “Ишга марҳамат” мономарказининг Олмазор филиали биносида Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмасининг ўқув курслари фаолият бошлайди.

— Биз ташкил этадиган қисқа муддатли курслар, аввало, иш бевуричнинг талаб ва таклифидан келиб чиқиб шакллантирилади, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги департаменти директори ўринбосари Абдухалил Раҳмонов. — Бунда иш бевуричга қайси турдаги мутахассислар кераклиги эътиборга олинади. Ана шу асосда ўқув дастури тайёрланади. Бунда 30 фоиз назария, 70 фоиз амалиёт дастури бўйича ишлаймиз. Чунки бугунги кун талаби ҳам, дунё амалиёти ҳам шуни талаб қилмоқда. Бу ўқув

курсларига, асосан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”даги фуқаролар, ишсизлар жалб қилинади ва бепул ўқитилади. Энг муҳими, уларнинг ишга жойлашишига ҳам кўмаклашилади. Айни пайтда Олмазор қурилиш коллежидида мебелсозлик бўйича мутахассислар тайёрлаш ўқув курслари ташкил этилди. Келгусида барча ҳудудларда ана шундай марказлар фаолияти йўлга қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат билан юртимизда мебелсозликнинг янада ривож топиши учун зарурий чора-тадбирлар белгиланди. Бу эса яқин йиллар ичида сифатли, хориж мебелларидан асло кам бўлмаган, лекин арзон, энг муҳими, маҳаллий табиий хомашёлардан ишлаб чиқариладиган мебель маҳсулотлари кўпайишига замин яратади. Халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи бу саноатнинг ривожини орқали мамлакат экспорт салоҳиятини янада ошириш, минглаб иш ўринлари яратиш имкони туғилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

“СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ” ПЛАТФОРМАСИ

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида

Бугун инсоният саломатлигини асраш бутун дунё муаммосига айланди. Айниқса, COVID-19 пандемиясига қарши кураш жараёнида дунё мамлакатлари қатори юртимиз аҳолисининг ҳам жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф экани сезилди.

Мазкур ҳолат ҳукуматимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар қилинганда, давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва оммавий тарзда спорт билан шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш савб-ҳаракатлари бошланди. Ҳар бир фуқарода иммунитет тизимини мустаҳкамлаш, зарарли оdatлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларида амал қилиш ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратишга киришди. Президентимиз 2020 йил 30 октябрда “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади. Унда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор вазифалар қайд этиб ўтилди.

ПЛАТФОРМА ИШГА ТУШДИ

Фармонда “Соғлом турмуш тарзи” платформаси яратиш ва амалиётга жорий этиш вазифаси белгиланган. Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди. Унга кўра, шу кунларда мазкур платформа ишга туширилди. Тўловлар эса белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Платформа фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориш қатор вазирликлар зиммасига юклатилди. Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги платформани доимий равишда ҳаққоний ва фаол ишлаб туриши, шунингдек, унинг доимий техник қўллаб-қувватланиши, Молия

вазирлиги фуқароларнинг платформадаги электрон ҳаёнига ўтказилиши билан боғлиқ тўловларнинг молиялаштирилиши, Туризм ва спорт вазирлиги платформадан фойдаланиш шартларини бузган фуқароларнинг иштирокига чекловлар ўрнатиш, улар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, тузилган рейтинглар шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги платформада фойдаланувчилар учун тақдим этилаётган таомлар килокалорияси тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Платформа 2 қисмдан — мобилъ илова дастури ва веб-портал дастурий маҳсулотидан иборат бўлади. Мобилъ илова дастурида, асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги 18 ёш ва ундан ошган фуқароларнинг юриши ҳамда югуриши ҳисоблаб борилади.

Калькулятор киритилган таом тури ва порциясига кўра, килокалориясини ҳисоблаб, қайси спорт тури билан қанча вақт шуғулланиш калориянинг оранизига фойдали ҳазм бўлишини кўрсатади. Масалан, 400 грамм маставада 136 килокалория мавжуд. Буни ярим соат енгил атлетика билан шуғулланиш орқали сарф қилиш мумкин.

Шунингдек, бу платформа орқали мамлакатимиздаги ҳар бир ташкилотнинг умумий жисмоний фаоллик рейтингини аниқлаб борилади. Буларнинг барчаси аҳоли соғлом турмуш тарзи ва саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.

СОҒЛИҚ УЧУН САРМОЯ

Президентимизнинг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзолангач, юрдошларимиз орасида ўз соғлиги ва вазини назорат қиладиганлар сони кўпайди. Чекка-чекка

қишлоқларда ҳам келинлари кўча-кўйни супуриб, нонушта тайёрлагунча “қишлоқни бир айлини, бадантарбия қилиб келадиган” бобю бувилар кўпайди. Шунчаки қизиқишдан бошланган маҳсулот узунининг кундалик одатига айланиб улгурди. Платформа ва мобилъ илова ишга тушгач эса бу кўрсаткич янада ошиб бориши шубҳасиз.

Фозил ФАРҲОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Туризм ва спорт вазирлиги аjoyиб лойиҳани бошлади. 20 июнь кунини дўстларнинг ёрдами билан телефонимга мобилъ илова ўрнайти олдим. Иловага киришим билан дастлабки кун 10 минг қадам юрдим. Бунинг эвазига ҳисобимга 3 минг сўм пул тушди. Учинчи кун эса кўпроқ пиёда юришга ҳаракат қилдим. Эрта-лаб ишга, тушда уйга, сўнг яна ишга, Навоий кўчасидаги 30-уйга брифингга, ундан ишга, иш тугагач уйга, кейин “Матонат” фильмини

қуриш учун Кинематография агентлигига, кинодан уйга, кечки сайрга, шу тарика 20 минг қадам юриб қўйибман. Юришларимнинг охириги қақиримларида ҳатто ўғлим билан югурдик ҳам.

Тўртинчи кун ўзимни енгил ҳис қилдим. Юриш менга фойда берапти чоғи. Ҳатто вазн ташлай бошладим. Кайфиятим анча кўтарилди. Сезилар-сезилмас оғриқлар юришга, ишлашга халақит бермади. Овқатлани-

Фойдали маслаҳатлар ва янгиликлар ҳам бериб борилади

Платформа фаолияти йўлга қўйилганига ҳали кўп бўлмади. Ишчи гуруҳнинг таъкидлашича, қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Жумладан, дастур мукаммаллаштирилади, маълумотлар билан бойитилади. Шундай бўлса-да, илк фойдаланувчилар учун “Моддалар алмашинувини яхшилашга кўмаклашувчи маҳсулотлар”, “Секин овқатланиш ёрдамида қандай озиш мумкин?”, “Ифлос қўллар орқали қандай касалликлар юқади?”, “Қўллар учун гимнастика”, “Тўғри нафас олиш — мустаҳкам иммунитет гарови” каби инсон

саломатлиги учун фойдали маълумотлар тақдим этилган.

Фойдаланувчиларга платформанинг “Калориялар” бўлимида соғлом овқатланиш учун кундалик рацион, парҳез ва тахминий рацион ва энергия сарфи тавсия этилади.

Платформада, шунингдек, бир сутка давомида ҳудудлараро ёки республика бўйича энг кўп юрган юрдошларимиз билан танишиш имкони ҳам бор. Бу очиклик ва шафдофлиқни таъминлаш имконини беради.

“Соғлом турмуш тарзи” телеграм канали

шимни ҳам тартибга сола бошладим. Иложи борица сифатли, табиий ва парhezбop таомлар, мева ва сабзавот истеъмол қилишга ҳаракат қиламман.

Танамдаги, руҳимдаги ўзгаришлардан қувониб, Туризм ва спорт вазирлигига телефон қилиб раҳмат айтдим. Соғлом турмуш тарзини одат қилишимиз учун катта туртки беришяпти. Биз бу ташаббус туфайли бебаҳо бойлик — соғлиғимиз учун сармоя қиритамиз.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

МАСЪУЛИЯТЛИ ЙЎЛ академия остонасидан бошланади

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли ёшларни илмга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



“МЕН ЮРТИМГА КЕРАКМАН, ДЕГАН ТУЙҒУ БИЛАН ЯШАЙМАН”



Ёз оқшомларининг бири. Осмондаги юлдузларга тикилиб турган қизалоқ дадасига юзланиб деди:

— Нима учун кўёш — бобо, ой — момо? Боболар кучли, ҳеч нарсадан қўрқмас бўлиши керак-ку, нега кўёш қундузи чиқади, у қоронғуликдан қўрқади?

Хунармандлар уюшмасига аъзо бўлди ва соҳа мутахассисларининг маслаҳатлари билан банкдан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Бугун Маликанинг кичик бўлса-да, ўз бизнеси бор. Уйда ўтириб хунари ордидан яхшигина даромад куради, хонадонининг кам-кўстини тўлдиршига ҳисса қўшади. Қувонарлиси, ишиси аёлларга маҳорат дарсларини ўтиб, уларнинг ҳам даромад топишига туртки беради.

— Юртимизда биз, ёшларнинг интилишимиз, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Ўзини ўзи қилиш, хунари ва қизиқшларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, иш ўринлари яратиш масалаларига бўлган эътибор тубдан ўзгарди, — дейди Малика Эгамқулова.

Ҳар бир ишнинг ўзига яраша заҳмати, қийинчиликлари бор. Тўқувчилик ҳам катта сабр, диққат талаб қилади. Калава-ипни буюм ҳолатига келтириш осон эмас, албатта. Ишни хунармандлик буюмлари яшадан бошлаган Малика пойабзал тикишни ҳам ана шундай сабр ва кунт билан ўрганди.

— Битта оёқ кийимни тайёрлашга бир кун вақт сарфланади, — дейди қаҳрамонимиз. — Пойабзал тайёр бўлгач, ўзимда йўқ қувонаман. Харидорлар унинг қўлай ва бежиримлигини айтишиганда, шижоатимга шижоат қўшилиди. Баъзан кечалари ухламасдан буюртмаларни тайёрлайман. Биласизми, инсон ўзи ҳаракат қилса, ҳамма ишга улгуриши, ҳар бир юмушни удаллаши мумкин. Баъзи инсонлардаги боқимандалик кайфиятини қўриб, тўриси, хафа бўламан. Балиқ ёки қармоқни тақлиф қилсангиз, қўпчилик балиқни танлайди. Ўйлашмайдики, қармоғинг бўлса, балиқ доим қўлингда.

Малика “Ташаббус — 2019” қўриқ-танловининг вилоят босқичида фахрли биринчи ўринни қўлга киритган ва Республика босқичида иштирок этиб, ютқуқа эришган. Ўша йили Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз томонидан “Жасорат” медали билан тақдирланди. Ҳозирда у ўқув курсида ўқиб, сертификатга эга бўлди ва ўз билимларини янада бойитди. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида яна бир бор кредит олди.

— Мен юртимга керакман, деган туйғу билан яшайман. Эҳтимол, айнан шу ишонч менга куч беради. Тенгдошларимга “Ишсизликни рўқча қилманг, мавжуд имкониятлардан фойдаланинг, вақтни зое кетказманг”, деган бўлар эдим, — дейди Малика.

Дарҳақиқат, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, қўлигул хунармандларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш йўлида яратилган имкониятлар натижасида хунармандлик раванқига кенг йўл очилди. Уларнинг харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариб, халқимиз фаровонлигини ошириши, аҳоли бандлигини таъминлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малика мана шундай имкониятлардан ўринли фойдаланиб келаётган ёшларимиздан. Имконияти чекланган бўлишига қарамай, меҳнат қилишдан тоқмайдиган қаҳрамонимизнинг интилиши ва мақсадлари тенгдошлари учун ибратдир.

Феруза ЖЎРАЕВА,
журналист

орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

— Ёш офицер учун диплом ва ҳарбий унвон олиш катта ишонч ва фахр-ифтихор, — дейди академия бошлиғи ўринбосари, полковник Чориёр Ҳўжанов. — Бу лаҳзалар битирувчиларнинг ҳаётида бир умрлик ёрқин эсдалик бўлиб қолади. Ҳарбий либоси энгига ярашиб турган навқирон ёшларнинг муқаддас ва шарафли бурчи сидқидилдан бажаришига, жонажон Ватанимиз, халқимизга садоқат билан хизмат қилишига, билдирилган юксак ишонччи оқлашига ишонамиз.

Халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини, саломатлигини асраш ҳам шараф, ҳам масъулият. Қўтқарувчиликдек машаққатли касбни эгаллаб, Ватанимиз раванқига ўз ҳиссасини қўшишга шайланган битирувчилар шундай ёруғ туйғуларни ҳис этмоқда.

— Бугун кўнгомиз чексиз, — дейди лейтенант Исрол Мирзаахмедов. — Бизни воғга етказган ота-онамизга, таълим-тарбия берган устозларимизга, барча шарт-шароитларни

яратиб берган Президентимизга самимий миннатдорлигимизни билдираман. Мамлакатимизда яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитларга жавобан хизмат фаолиятимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор қуч-қайратимизни сафарбар этамиз.

— Бугун фарзандим Исролнинг офицерлик унвонини олиб, мустақил ҳаётга йўл олаётганидан хурсандман, — дейди Мирзохид Мирзаахмедов. — Ўзим шу соҳада меҳнат қилаётганим учун ўғлим ҳам шу касбга меҳр қўйди. Ишонамнки, у Ватанимиз ва халқимиз хизматига бўлиб, ўшбу олий даргоҳда олган назарий билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаб, юртимиз оқилолигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Тадбир шодиёнаси Ватанин мадҳ этувчи куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ академияси катта
ўқитувчиси, капитан

ИМТИЁЗ

ХАЛҚАРО ИМТИҲОН ТИЗИМЛАРИ

бўйича юқори даража олганларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб бериляпти

“Тил билган — эл билади”, дейди халқимиз. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги глобаллашган, интеграциялашган замонда хорижий тилларни билиш, уларда эркин мулоқот қила олиш хорижатга зарур. Бу — давр талаби. Чунки тил билган одамнинг имкониятлари кенг: у хорижий фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотга кириша олади.

Ўзи ўрганган тил воситасида бошқа мамлакатлар илм-фанининг илғор ютуқларини тадқиқ этиб, уларни ўрганиш, хорижлик шоиру ёзувчилар, олимларнинг асарларини аслиятда ўқиш, тушуниш имкониятига эга бўлади.

Шу боис, мамлакатимизда чет тиллар ўқитиладиган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, хорижий тилларни ўқитиш сифатини, ана шу йўналишдаги ўқув марказлари фаолиятини кучайтириш ҳамда юқори малакали педагогларнинг маошини қўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур йўналишда белгиланган вазифалар рўёбда Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг асосида ҳар йили қабул қилинаётган давлат дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 159-бандида Халқаро таълим дастурлари (имтиҳонлар) бўйича энг юқори балл тўплаган иқтидорли ёшлар имтиҳон топириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини йўлга қўйиш билан боғлиқ вазифалар белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги “Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан Давлат дастурининг мазкур банди ижроси таъминланди.

Қарорга мувофиқ, Ёшлар ишлари агентлиги


томонидан 18 турдаги халқаро имтиҳон тизими бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топириш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Яъни 5 турдаги — IELTS, TOEFL, GRE, GMAT, SAT халқаро имтиҳон тизимларидан юқори балл олганларга 2021 йил 1 майдан бошланган бўлса, инглиз, немис, француз, испан, италян, турк, корейс, япон, хитой, араб, рус тиллари бўйича имтиҳонларда энг юқори балл тўплаганларга имтиҳон топириш харажатлари 2022 йил 1 январдан қоплаб берилади.

Мазкур қарорда имтиҳон топириш харажатлари компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори баллнинг (даражанинг) минимал кўрсаткичи берилган. Мисол учун, IELTS халқаро имтиҳон тизимида энг юқори кўрсаткич — 9 даража бўлса, имтиҳон топириш харажатлари тўлиқ қоплаб берилиши учун имтиҳон топирувчи камида 7 даражани қайд этиши лозим.

Қарорга қўра, имтиҳон бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш учун давлат хизматлари марказлари ариза берувчи келиб мурожаат этилганда унинг номидан сўровномани тўлдириб, Ёшлар ишлари агентлигига юборади. Агентлик махсус сертификатни верификациядан ўтказди ёки унинг ҳақиқийлигини масъул ваколатли хорижий ташкилот орқали тасдиқлатиб олади. Ҳақиқийлиги тасдиқланган махсус сертификат эгаси бўлган ариза берувчиларнинг электрон реестрини шакллантиради, унга мувофиқ компенсация маблағларини Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкнинг ҳисобварағига ўтказди ва хизмат натижаси бўйича ариза берувчига СМС хабар юборади.

Жорий йил 6 июнь ҳолатига қўра, 5 та хал-



қаро имтиҳон тизими бўйича Ёшлар ишлари агентлигининг масъул бошқармасига **461 нафар** ёшдан ариза келиб тушган. Улар таҳлил қилинганда, аризаларнинг **171 нафари** махсус сертификатни қарор қўлган қирған санадан олдин олгани сабабли рад этилган. **290 нафар** аризаларнинг жами **523 миллион 405 минг 869 сўм** микдордаги имтиҳон харажатлари етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, аризаларнинг **142 таси** Давлат хизматлари марказлари орқали, **319 таси** мустақил равишда my.gov.uz портали орқали юборилган.

— IELTS бўйича имтиҳон топириб, 7 даражани қайд этишга муваффақ бўлдим, — дейди Тошкент шаҳридаги 135-умумий ўрта таълим мактаби битирувчиси Мухаммаднинг Исмоил. — Ҳукумат қарори ҳақида эшитган эдим. Шу боис, мазкур натижага эришганимдан сўнг икки ҳисса қувондим. Отам имтиҳон харажатлари учун деярли 1 миллион 800 минг сўм тўлаган эди. Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, Давлат хизматлари марказига мурожаат қилдик, харажатларимиз тўлиқ қоплаб бериладиган бўлди. Бу йил Тошкент давлат юридик университетида ҳужжат топишмоқчиман. Шунинг учун имтиҳонга пухта тайёргарлик қўяман.

Мухтасар айтганда, халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларнинг харажатлари давлат ҳисобидан қоплаб берилаётгани уларнинг тил ўрганиш йўлидаги меҳнатларини рағбатлантириш билан бирга, янада юксак ютуқларни қўлга киритишга илҳомлантиради.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

СОҲА РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОРДАН КУЧ ОЛЯПМИЗ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда тўб ислохотлар изчиллик касб этипти. Жумладан, 30 июнь юртимизда Ёшлар куни этиб белгилангани йилгит-қизларга ўзига хос ғурур бағишлаш билан бирга, уларни янги марралар сари чорловчи, Ватанимизга садоқатини мустаҳкамловчи бекиёс рағбат бўлди.

2018 йилдан буён мазкур сана муносабати билан июнь ойи анъанавий тарзда “Ёшлар ойлари” сифатида кенг нишонланмоқда. Жумладан, бу ойни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизимдаги ташкилотларда фаолият юритаётган мингта яқин ёш ҳам кўтаринки руҳда ўтказмоқда.

Мамлакатимизда ветеринария ва чорвачилик ривожига қаратилган юксак эътибор тўғрисида ёшларнинг ўшу соҳага қизиқиши йил сайин ошаётир. Бу иштиёқ ҳар йили Самарқанд ветеринария медицинаси институтига кириш истагидаги абитуриентлар сони қўпаяётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

2020-2021 ўқув йилида мазкур институтда 34 та таълим йўналиши ҳамда 14 та мутахассислик бўйича 5 минг 320 нафар, Нукус филиалида 5 та таълим йўналиши бўйича 489 нафар, Тошкент филиалида 497 нафар талаба таҳсил олмақда. Тугалланаётган ўқув йили бўйича Самарқанд ветеринария медицинаси институтини 566 нафар бакалавр, 67 нафар магистр тамомламоқда.

Хорижий давлатлар (Беларусь Республикаси, Латвия) билан ташкил этилган қўша дастурлар асосида 95 нафар талаба бакалаврият ва магистратура бўйича ўқишга қабул қилинди.

Илмий изланиш олиб бориш истагидаги ёш-

лар ҳам тобора қўпаймоқда. Соҳа бўйича ўнга яқин янги илмий ишланма ва инновацион ғоялар амалиётга жорий этилишида шу йилгит-қизларнинг ҳиссаси катта. Бу саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш мақсадида илмий тадқиқотчилик фаолияти алоҳида рағбатлантирилмоқда.

2020-2021 ўқув йилида Самарқанд ветеринария медицинаси институтига 14 нафар таянч докторант, 22 нафар мустақил тадқиқотчи ва 5 нафар стажёр тадқиқотчи, Тошкент филиалига 3 нафар, Ветеринария илмий-тадқиқот институтига 4 нафар, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтига 3 нафар, Балиқчилик илмий-тадқиқот институтига 1 нафар таянч докторант ўқишга қабул қилинди.

Давлат chegarаси орқали ўтказиш пунктларидаги ветеринария хизмати ходимларини халқаро талаблар асосида қайта тайёрлаб, билим ва кўникмаларини ошириш учун Давлат божхона

қўмитасининг Божхона институтида 140 нафар мутахассисимиз “Ташқи савдо фаолиятини назорат қилувчи идоралар ходимлари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури” лойиҳаси асосида онлайн малака ошириш ўқув курсини якунлаб, тегишли сертификатга эга бўлди.

Президентимизнинг 2020 йил 10 январдаги “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ўтган йили Ветеринария илмий-тадқиқот ҳамда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида 6,3 миллиард сўмлик мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Шунингдек, юртимизда ветеринария таълимини халқаро даражага олиб чиқиш мақсадида АҚШнинг Миннесота университети билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтига 2020-2023 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 369 минг АҚШ доллари микдордаги “Ўзбекистонда ветеринария таълимининг тивининг лойиҳаси” амалга оширилмоқда.

Биз яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, Ватанимиз раванқи йўлида камарбаста бўлишни олий мақсад ва юксак шараф деб биламиз.



Алишер САФАРОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат
қўмитаси бўлим бошлиғи —
раиснинг ёшлар
масалалари бўйича маслаҳатчиси



Архив сурати.

РИЗАМАТ ОТАНИНГ БОҒЛАРИ

Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Дехқон бозори. Савдоси юришиб, қўли-қўлига тегмай узум сотаётган одам: “Кеп қолинг, Ризамат ота узумидан об қолинг. Еганлар дармонда, еб қолинг...”, дея ўтган одамни ўзига чорларди. Узум сотиб олаётган харидор билан сотувчининг суҳбати кулоғимга чалинди: — Оғайни, сиз Ризамат отани танийсизми? — Таннимасам гапираманми, ўзимизнинг олтиариқлик-да. Уста боғбон бўлган у киши, — деди сотувчи овозини баландлатиб гурур билан. — Ие, отахоннинг фарғоналик эканини билмас эканман. Ҳаётмилар? — Билмадим, аммо биз учун барҳаёт. Номлари ҳар кун и юз марталаб тилга олинади-да! Нафақат боғбон, биздек оддий одамларнинг ҳам тилидан тушмайди. Яхши одамлар тириклик пайтида қилган яхши амаллари учун ўтганларидан кейин ҳам умрлари давом этавераркан-да, биродар. — Тўғри айтасиз, биз ҳам набира кутяпмиз. Кунора бозорга келиб келинимга мана шу узумдан олиб кетаман. — Ўғил набира туғилса исми аниқ экан-да! — Албатта, ўша кунларга етказсин! Уларнинг гурунгини эшитарканман, Ризамат ота ҳақида билганларим-ўқиганларимни айтиб бергим келди-ю, андиша қилдим. Уларнинг “барҳаёт” деган сўзлари менга таскин берди.

Ҳалқимизда ҳикмати бир гап бор, “Дунёда яхши ном қолдирай десанг, кўчат эк”. Бу нақл авлоддан-авлодга, тилдан-тилга кўчиб, дoston, эртақ, ҳикояларда талқин этилди, тобора чуқурроқ мазмун ва маъно касб этди.

Узумчилик юртимиз қишлоқ ҳўжалигининг нафақат энг қадимий ва сердаромад тармоғи, балки миришкор халқимиз севган касб-корлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улқамизда етиштирилган узум навлари чиройли ташки кўриниши, серширалиги, хуштаъмлиги билан дунёга машҳур. Юртимиз ҳўл мевалар етиштириш билан бирга қуруқ мева ва майиз етиштиришда ҳам етакчилардан бири. Олтинга тенг туپроғимизда унган узум навлари анчагина: “Анджон қора узуми”, “Гўзал қора” “Оқ ҳусайни” дейишади. “Паркент”, “Оқ кишимш”, “Каттакўрган”, “Қора кишимш”, “Кишимш Ботир”, “Пушти кишимш”, “Хушрўй кишимш” деган машҳур навлар ва булардан ташқари “Май қораси”, “Венгер мускати”, “Ўзбекистон мускати”, “Нимранг”, “Олтиндай”, “Эртаги Шредер”, “Рангдор”, “Ризамат”, “Сояки”, “Китоб сурхоки”, “Пушти тойфи”, “Тарнов”, “Қизил ҳурмоли”, эҳ-ҳе яна канча санашим мумкин ва булар ҳали мен билганларим, билмаганларим қанча бўлса керак ҳали.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлганим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соҳибкор, Давлат мукофоти соҳиб, фахрий академик Ризамат ота Мусамухамедов ўзининг ҳаёти ва фаолияти давомида узумнинг ўнлаб навларини яратди, тоқни яшартириш усулини жорий қилди. Узумчиликда асрлар оша амал қилиб келган ишқом, сўри усулларидан воз кечиб, замонавий техника ёрдамида катта майдонларда узумзорлар бунёд этишга мослашган янгича “қалпокли симбағаз” усулини яратиб, амалиётга жорий қилди. Ушбу тажриба тоқ ораларига трактор билан ишлов бериш, кузда қўмиш, баҳорда очиш каби оғир меҳнатларда техникага таяниш ҳамда узум ҳосилдорлигини ошириш имконини берди. Мир-

зачўл, Фарғона водийси ва юртимизнинг жанубий ҳудудларида бепоен узумзорлар дунёга келишида Ризамат отанинг хизмати катта. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида, Қозғоғистоннинг бир қатор туманларида, Қирғизистон, ҳатто Грузия ва Арманистонда минглаб гектар ерларда намунавий тоқзор ва боғлар яратишга бош бўлганлари эса, бизда фахр ҳиссини уйғотди. Ўзбек боғбонининг узум етиштириш усуллари бугунги кунда ҳам ўнлаб хорижий мамлакатларда эътироф этилиб, амалиётга киритилмоқда.

Буюқ генетик олим Н.И.Вавилов 1936 йилда соҳибкорнинг тажрибаси ва бекибс натижаларига юксак баҳо бериб: “Мен Оқ-қовоқ тажриба участкасини бориб кўрган-имда тажрибали узумчи Ризамат Мусамухамедов эришган ютуқлардан хайратга тушдим. Бу ажойиб инсон тажрибаларидан узумчиликнинг кўп сир-асрорларини ўрганса бўлади. Ўртоқ Ризаматга ва унинг изидан борувчи юртдошларига шон-ша-рафлар бўлсин”, деб ёзганди.

Боғдорчилик ҳусусида гап кетганда, Ризамат ота айтган ибратомуз сўзлар ёдимизга келади: “Боғдорчилик ўзбекларнинг ота-бо-боларидан мерос бўлиб қолган севган касби. Биз кўз очиб узум, олма ва бошқа меваларни кўрганмиз. Унинг шарбати-ни татиб катта бўлганмиз. Оналаримиз беланчагимизни ишқомларга, мевали дарахт шохларига осиб аллалаганлар. Йонлаганимизда сўргич ўрнига узумнинг донасини сўрдирганлар. Хуллас, мевачилик бизнинг қонимизга сингиб кетган. Боболар удумини қилиб, кўчат ўтказай-лик, мева етиштирайлик, халқимизни ширин-шарбат мевалардан баҳраманд қилайлик”.

Ризамат отанинг ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи “Узумчилик бўйича қисқача амалий қўлланма” ўзбек ва рус тилларида тақорор-тақорор нашр этилган. Айниқса, унинг 1959 йилда нашр этилган “Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим” номли китобидаги фалса-фий мушоҳадалари ўқувчини безъатибор

қолдирмайди. Ундаги “Боғбонлик — энг умрбоқий касб”, “Боғбонлик болалиқдан бошланади”, “Туғма боғбонларни вақтида пайкаб, яхши тарбиялайлик”, “Боғингдан эл баҳра олса, ғайратингга ғайрат, умрингга умр қўшилади”, “Серкўёш диёри-мизнинг ери — зар, суви — оби кавсар”, “Дарахтнинг умри меваси билан, инсон-нинг умри меҳнати билан” каби ибратли сўзлар юрагимиздан жой олади.

Ер билан тиллашиб, унга меҳр бериб, табиат неъматларининг қадрига етиб яшашнинг завқи ўзгача. Сўқротнинг “Энг улўғ табиб — меҳнатдир”, деган ибора-си замиридаги ҳақиқатни англамоқ учун киши аллома бўлиши шарт эмас. Негаки, она ердан меҳрини аямай меҳнат қилган киши бу ҳикматни теран тушунади. Риза-мат отанинг кенжа фарзанди математик



олим, “Меҳнат шўҳрати” ордени соҳиб Муҳаммадраҳим Мусамухамедов падари бузрукворига ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Отам 1881 йилда Тошкент шаҳри-да, боғбон оиласида туғилган. Болалиги машаққатли меҳнатда кечган. Ун икки ёшида рўзгор боқишда қийналиб қолган отасига ёрдамлашиш учун “Дегрез” узум-чилик ҳўжалигига ишга кирган экан. Отам раҳматли тупроқни нондек азиз деб би-ладиган инсон эди. Қишлоқ ҳўжалигида кўп йиллар хизмат қилган отам 90 ёшга кирганида, катта бир анжуман минбарига туриб шундай дегандилар: “Болаларим, жигаргўшаларим, мен қаридим. Лекин ўқинмайман. Гоҳ ёлғиз қолиб, умр ҳақи-да ўйга толсам, ҳаёлим қадим ота-бобо-ларимизнинг манзилларига кетиб қолади. Улар неча асрлар аввал ҳам тоқ парва-риш қилган, узум шарбати ичиб, қанд ўр-нига майиз еган. Қаҳрабодек узум бошла-ри, тоқ новдалари азалдан халқларнинг тинчлик, саломатлик, бахт-саодат рамзи бўлиб келган. Қўҳна Шош шаҳрининг там-ғаларида тоқ баргининг тасвирлари бор. Ўйлаб қарасам, кекса умрим ўша тарих заҳматларига улашиб кетганди. Мен боғлар ўстирдим, мана шу қадок қўлла-рим билан жуда кўп манзилларга ниҳол қададим. Юртимизда боғлар, узумзорлар зумраддай кўкариб ётибди. Молдова, Ук-раина, бутун Кавказ, Ўрта Осиё — ҳамма-ҳаммасида мен яратган боғлар туркираб турибди. Сиз, балки ҳайрон бўларсиз,

бир юпун деҳқоннинг боласи эдингиз-ку, деб. Тўғри, юпунлик, зорлик, хорлиқлар қаҳрини кўрдик, ҳақсизликнинг қор но-нини еганларданман. Аммо баҳтим шунда-ки, мен она табиатнинг этагидан тутдим, қўйида улғайдим. Омадим шундаки, ёш-лигимдаёқ буюқ қалб эгаларига, катта со-ҳибкорларга шоғирд тушганман. Таникли олим Стекольников билан 22 йил бирга ишладим. Асли узок Даниядан бўлса ҳам, ўзбек урф-одатларини ҳўрмат қиладиган, Ўзбекистон тупроғини яхши биладиган Р.Р.Шредер менинг тоқларни боладай парвариш қилишимни кўриб: “Ҳа, булар-ни бошқариш мумкин, улар яхши соҳиб-корнинг гапига кўнади, лекин халқ тажри-басидан йироклашиб кетиш керак эмас”, дерди. У ўзбек соҳибкорининг қадимий сўри, ишқом усулларини жуда яхши би-

йўлдошим бор-ку, мен кетиб қолсам, ниҳолларнинг бошини ким силайди, ким менчалик ғамхўрлик қилади, деб ҳаво-тир олардим...”
Юртимиз узумчилик борасида тажриба майдонига айланган кезлар “Оққо-воқ”даги 40 гектарлик боғда узумнинг бир неча нави яратилди. Ўзбекистонда конгресс бўлди. Шунда йиғилган олимлар отамдан “Ризамат ота, узумнинг қайси нави билан чатиштирсак, янги ва яхши нав дунёга келади”, деб сўраганларида, “Каттакўрган нави билан Паркентнинг пушти узумини чатиштириб кўринлар”, деб маслаҳат берган. Кейинги конгресс-да ана шу узумнинг янги навиго отамнинг номини беришди. “Ризамат ота” навли узум бугун дастурхонимиз кўрки бўлиб турибди. Отам кексайган пайтидаям ғай-ратлари, қувватлари биздан яхши бўл-ган. Мана шу катта ҳовлимиз узумзор эди. Онам раҳматли икковлари эрталаб энг шимариб тоқ парваришига тушиб кетса, кун оғунча боғдан чиқмасди. Эрта баҳор ердан қор кетмай туриб, юк машиналарга кўчат юклаб, узок вилоят-ларга кетарди. Қаерга ва қайси пайтда етиб борса, иккита ишчини ёнига олиб, чуқур ўра қовлаб, узум кўчатларини тул-проққа қўмиб, кейин дам оларканлар. Бир кун ишчилари: “Ота, қишлоқ одамла-ри тунда кўчатларни бир-иккитадан олиб ташиб кетаяти, кўриб туриб нега инда-маясиз?”, деса. “Майли, қўяверинг, шу-нақа бўлишига ақлим етиб, икки баробар кўп опкелдим. Уйига обориб экса, ўстир-са мева беради. Болалари еса бизга са-воби тегди. Ўз ҳовлисига узуми пишиб турган одам қолхоз боғида пишган мева-ларга кўз олайтирмайди. Назари тўқ ўса-ди ўша хонадон боласининг”, деб жавоб берибди.

Отам ўзи айтганидек, ўқимаган бўл-гани билан тажрибали олим эди. Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон кўргазмаларида бир неча марта олтин медал олиб қайт-ган. У ерда ўзбекистонлик соҳибкор учун алоҳида хона ажратилиб, узумчилик, боғдорчилик борасидаги маслаҳатларига таяниб иш юритишарди. Эсимни танби-манки, уч ой кишда уйда бўларди, умри далада кечарди. Хокисор, камтарлигидан вилоятларда бўлган кезлари иш жойидан хизмат сафари учун пул тўланса, олмас-ди. “Нега олмайсиз, ота?”, деб сўрасам, “Менинг ҳўрматимни қилиб хонадонлар-дан жой қилиб, ош-овқатимни пишириб беришса, нега товламачилик қилиб, ҳу-куматнинг пулини олишим керак, андиша қиламан, вижоним олдида ҳисоб бери-шим бор, ўғлим”, дерди.

Бир кунги уйимизга мамлакат раҳбари Шароф Рашидов меҳмон бўлиб келди (бир неча марта отамни йўқлаб келиб, бо-ғимизда ўтириб суҳбатлашганларини эс-лайман). Гоҳу булзоримизни кўриб, дили ёришиб кетгандан ишқом тагида турган “Газ-21” русумли, анча эскириб қолган машинага ишора қилиб, “Ота, ҳозир “Вол-га Газ-24” машинаси чиққан, тез кунда алиштириб бераман”, деди. Шунда отам: “Этибдор учун раҳмат, аммо ўғилларим шу машинани бакувват деб, яхши кўри-шади-да”, деб кўнмади. Меҳмон кетгач, акам отамга, “Дада, нега йўқ дедингиз, ахир машина эскириб қолганини била-сиз-ку, шундай катта одам машина ҳадя қиламан деса, сиз йўқ, деб турибсиз-а”,

деди қизишиброқ. Хотиржам жилмайиб турган отам акамнинг елкасига қоқиб, “Ўғлим, қайси нодон одам ўз уйига келган меҳмондан тўхфа талаб қилади. Меҳ-мон отандек улўғ, деган гап бор-ку! Му-сылмончиликка тўғри келмайди, менинг болам бўлсанг, бунақа гапларни бошқа гапирма”, дедилар.

Отам нафақат узумчилик ёки боғдор-чилик, лимончиликка ҳам асос солган, десам адашмайман. 1947 йил Ботумига борганда юртимизга биринчи марта лимон кўчатини олиб келган. Олим Зайнид-дин Фахриддинов билан бирга кўчатни эккан. Шоғирдларининг цитрус ўсимлиги бизнинг тупроқда ўсадими, деган саво-лига: “Шундай мевалар, узумларни қанд-шакар қилиб етиштирган жаннат жойда ҳамма ўсимлики ўстирса бўлади”, деб жавоб берган.

Урушдан кейинги йиллар. Иссиқхо-налар қилишга маблағ ҳам, имкон ҳам йўқ. Сўрини тағига чуқур қовлаб экилган. Ушанда 2-3 тул лимон кўчатлари мева берганди. Қиш кунларининг бирида да-дамни Шароф Рашидов йўқлатиб, маши-на юборганда, бормасам бўлмас, деб та-раддудга тушди. Дадам кеч кузда пишиб етилган тойфи узумнинг устига намат ташлаб қўярди. Қишда ҳам пишиқчилик пайтидагидек узиб олиб ердик.

Ўша узумдан узиб, саватчага солиб бердим. Москвадан келган меҳмон ёнига қўйилган узумни кўриб ҳайратланиб, “Бу қаердан келди?”, деб сўрабди. Шунда отамни таништириб, “Ризамат отанинг юз баҳори” деган ҳўжжатли фильм намойиш этилибди.

Отамга ўша йили Давлат мукофоти берилди. 82 ёшида “Меҳнат қаҳрамони” бўлди. Ўша кун ишларида олиб, Юрт раҳбари ёнларига келиб: “Ота, бирорта тақлифингиз, тилагингиз борми?”, деб сўради. “Ҳа, бор, нимани айтсам бажара-сизми?”, деди қулиб. “Албатта, қўлимдан келса”, деган сўзларидан кейин жила-йиб, “Имкон бўлса, менинг ёшимни 50 ёш қилиб беринг. Ҳали қўй боғлар яратим келади. Бутун Ўзбекистон боққа айлани-ши керак. Мақсадларим жуда кўп, ёшим ўтиб қолгани юрагимга ғўлгула соляпти”, деганди.

Дадам ҳақида менинг ҳам илиқ хоти-раларим бор, дея суҳбатимизга қўшилди Ризамат отанинг келини, оlima Жўраҳон опа:

— Мен келин бўлиб келганимда да-дам саксон ёши қоралаб қолган, жуда ғамхўр, беозор инсон эди. Ойим билан дадам бир-бирларига жуда меҳрибон бўлган. Бирон марта ҳақл қилганларини билмайман. Ҳамиша “Бой бўлгур” деб гап бошларди. Агар кўчада ош еб келсалар, ойимга “Назокат, мен ош еб келдим, бола-ларга ош қилинлар”, дерди. Кўп кексалар қариганларида болаларнинг тулолонини ёқтирмай, иниж қўлиб қолади. Лекин да-дам дарёдиллигича бўлаб ўтди. Етти на-фар қизимиз бор. Ҳаммасини яхши кўриб елкаларига опичиб катта қилди. Шоира Зулфияхонимга ўхшаган инсон бўлсин, деб бир қизимизга Зулфия, деб исм қўй-ган. Қайнонга-қайнонамнинг сояларида менинг ниҳолларим ҳам буй чўзди. Бугун ҳаммалари катта хонадон бекаларига ай-ланган...

Ризамат отанинг саховати чегара бил-мас эди. Иккинчи ҳаҳон урушида фронтга кетган катта ўғли Шўқурни кўргани бор-ганда, жангчилар учун бир вагон қуруқ мева олиб борганини ҳамон кўпчилик эс-лайди.

“Ўзбекнинг тупроғи — олтин, унга тушган арава пайраҳаси ҳам қўқариб чи-қади”, дер эди Ризамат ота фахру меҳр билан. Юз йиллик умрининг то сунгги на-фасигача юрт тупроғидан зўғулки ниҳол-ларини ундиришга, жаннат юртимизнинг янада кўркам бўлиши учун жон фидо қилган бундай инсонлар ҳамиша бар-ҳаётдир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-80 Ўзълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2078.
78817 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Суванов
Мусахҳиш: Асолат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 23:20 Топширилди — 23:55